Тошкент оқшоми

2017 ЙИЛ 13 НОЯБРЬ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 223 (13.556)

Баҳоси эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ САМАРҚАНД ШАҲРИДА ЎТГАН "МАРКАЗИЙ ОСИЁ: ЯГОНА ТАРИХ ВА УМУМИЙ КЕЛАЖАК, БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК" МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам Енча жаноблари!

Қадрли Могерини хоним!

Хурматли ташқи ишлар вазирлари, халқаро ташкилотлар ҳамда дипломатик миссия раҳбарлари, конференция иштирокчилари!

Хонимлар ва жаноблар!

Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарор ривожланиш масалаларига бағишланган халқаро конференциянинг барча иштирокчилари ва меҳмонларини саховатли Ўзбекистон заминида, қадимий Самарқанд шаҳрида самимий қутлайман.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва шахсан Бош котиб **Антониу Гутерриш жаноблариga** мазкур форумни ўтказиш ташаббусини қўллаб-қувватлагани учун алоҳида миннатдорлик билдираман.

Ушбу залда Марказий Осиё мамлакатлари ташқи ишлар вазирлари, Россия, Хитой, АҚШ, Европа мамлакатлари, Япония, Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Афғонистондан ташриф буюрган юқори мартабали меҳмонлар, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро ҳамкор ташкилотлар вакилларини кўриб турганимдан мамнунман.

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Бугунги Форумнинг нечоғли муҳим ва долзарблиги унинг **"Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик"** деб номланишидан ҳам яққол кўриниб турибди.

Бизнинг минтақамиз халқларини минг йиллик қардошлик ва яхши қўшничилик ришталари боғлаб туради. Бизни тарих, дин, умумий маданият ва анъаналар бирлаштиради.

Евроосиёнинг "юраги"да жойлашган минтақамиз Европа ва Яқин Шарқ, Жанубий ва Шарқий Осиёни боғловчи кўприк бўлиб, Россия ва Хитой сингари йирик давлатлар билан чегарадошдир.

Минтақамиз табиий ресурсларга бой, бу ерда кўплаб мамлакатлар ва бутун минтақалар ривожига сезиларли даражада таъсир кўрсатган ноёб маданият ва тараққиёт салоҳияти мавжуд.

Айни пайтда Марказий Осиёда қудратли давлатларнинг манфаатлари кесишмоқда, беқарорлик ва қарама-қаршилик ўчоқларига туташ бўлган ушбу минтақа яқин ва узоқ хорижда рўй бераётган барча салбий жараёнлар таъсирини ҳис этмоқда.

Табиий савол туғилади: **минтақада вазият қандай ривожланади?**

Бу ерда қандай куч устун келади – низо ва қарама-қаршиликларми ёки ҳамкорлик ва тараққиётми?

Умумий аҳолиси **70 миллион**дан ортиқ бўлган минтақамизнинг келажаги бугунги кунда Марказий Осиёнинг ҳар бир давлати томонидан барпо этилмоқда.

Бизнинг қатъий ишончимизга кўра, амалий ҳамкорликка тайёрлик ва унга астойдил интилиш, шунингдек, барча Марказий Осиё мамлакатларининг умумий келажак учун масъулиятни ҳис этиши минтақанинг барқарор ривожланиши ва фаровонлигининг мустаҳкам пойдевори ва кафолатидир.

Ўзбекистон баҳсли масалаларни тезроқ ҳал қилиш ва ўзаро ишончни янада мустаҳкамлаш тарафдоридир.

Давлатларимиз айнан яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойиллари асосида савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар соҳаларда, хавфсизлик ва барқарорлик масалаларида ўз салоҳиятини янада самарали амалга ошира олади.

Ишончим комил, бундан барча – Марказий Осиё давлатлари ҳам, бошқа мамлакатлар ҳам бирдек манфаат кўради.

Бизнинг бош мақсадимиз – умумий саъй-ҳаракатларимиз билан Марказий Осиёни барқарор, иқтисодий ривожланган ва юксак тараққий этган минтақага айлантиришдан иборат.

Бунинг учун биз турли низоларни қўзғайдиган ва унга кўмаклашадиган сабаб ва омилларга биргаликда барҳам бермоғимиз, умумминтақавий устувор манфаатларни инобатга олиш асосида миллий ривожланишни таъминламоғимиз зарур.

Биз бугун тараққиётимизнинг умумий устувор йўналишларини англаган ҳолда, чегара, сувдан фойдаланиш, транспорт ва савдо сингари ўткир минтақавий масалаларни ечиш бўйича оқилона муроса йўлини изламоқдамиз.

Бугунги конференция доирасида **Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркманистон томонидан Давлат чегараларининг туташган нуқтаси ҳудуди ҳақида шартнома имзоланди**.

Ушбу шартнома муддатсиз бўлиб, денонсация қилинмайди, у уч қўшни давлат ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлайди.

Сўнгги пайтда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўз чегараларининг **85 фоизи** юзасидан келишувга эришди. Кўпдан буён давом этиб келаётган муаммолардан бири деярли ҳал этилди.

Транспорт соҳасидаги ҳамкорлик кенгайди. Тожикистон билан тўғридан-тўғри авиақатновлар тикланди. Товар айирбошлаш ҳажми ошмоқда, чегараолди ҳудудлар ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланмоқда, маданий-гуманитар соҳадаги муносабатлар фаоллашмоқда.

Шу билан бирга, **кўлга киритилган дастлабки натижалардан хотиржамликка берилишимиз мумкин эмас, биз ҳали йўлнинг бошида турибмиз, деб ҳисоблайман.**

Муносиб келажакни таъминлаш учун бугун биз қандай аниқ вазифаларни бажаришимиз муҳим ва зарур?

Биринчидан, бу савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ҳамда кооперацияни мустаҳкамлаш учун қулай шароитлар яратишдир.

Минтақавий иқтисодий форумни ташкил этиш бу йўналишдаги амалий қадам бўлиши мумкин.

Бу ўринда гап бизнес ҳамжамиятлари ўртасида бевосита мулоқот ва ўзаро савдо-иқтисодий, сармоявий ва инновацион ҳамкорлик борасидаги аниқ лойиҳаларни атрофлича муҳокама қилиш ҳақида бормоқда.

Бизнинг минтақа мамлакатлари ишбилармон доиралари ҳамда етакчи корхоналар вакиллари билан бир неча бор ўтказган учрашувларимиз иқтисодий алоқаларни сезиларли равишда фаоллаштириш ва ўзаро савдо ҳажмини ошириш имконини берди.

Масалан, йил бошидан буён Ўзбекистоннинг минтақа мамлакатлари билан **товар айланмаси** ўртача **20 фоизга**, айрим давлатлар билан эса қарийб **70 фоизга** ўсди.

Минтақалараро ҳамкорлик масаласига алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Шу муносабат билан **Марказий Осиё давлатларининг ҳудудлар раҳбарлари (ҳокимлари) бизнес ҳамжамиятининг ассоциациясини таъсис этишни** таклиф қиламан.

БМТ экспертларининг ҳисоб-китобларига кўра, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги самарали кооперация алоқалари **10 йил мобайнида минтақавий ялпи ички маҳсулотни камида икки баробар ошириш имконини берган бўлар эди**.

Ушбу механизмлар бутун Марказий Осиёда барқарор ривожланишни таъминлаган ҳолда, мамлакатларимиз ҳудудларининг саноат, инвестиция ва интеллектуал соҳаларидаги салоҳиятини тўла ишга солиш имконини беришига ишонаман.

Иккинчидан, минтақанинг **транзит-логистика салоҳиятидан** янада самарали фойдаланиш ва **транспорт инфратузилмасининг жадал ривожланишини таъминлаш** лозим.

Бу йўналишда минтақа мамлакатлари томонидан амалий қадамлар қўйилганини мамнуният билан қайд этишни истардим.

Туркманистонлик дўстларимиз томонидан Амударёдан ўтадиган **Туркманобод – Фороб** янги темир ва автомобиль йўллари кўприклари ишга туширилди. У **Ўзбекистон – Туркманистон – Эрон – Ўмон** транспорт-транзит йўналишининг муҳим тармоғидир.

Тез орада **Ўзбекистон – Қирғизистон – Хитой** темир йўли қурилишини бошлаш бўйича келишувга эришилди, шунингдек, ушбу транспорт йўлаги бўйлаб синов тариқасидаги автопойга амалга оширилди.

Шу муносабат билан **Транспорт коммуникацияларини ривожлантириш бўйича умумминтақавий дастурни** ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Умумий ёндашувларимизни келишиб олиш учун биз 2018 йилда Тошкентда **"Марказий Осиё халқаро транспорт йўлаклари тизимида: стратегик истиқболлар ва амалга оширилмаган имкониятлар"** мавзусида **халқаро конференция** ўтказишни режалаштирмоқдамиз.

Конференциянинг ишида барча шерикларимиз фаол иштирок этишига умид қиламиз.

Учинчидан, бу – Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш мақсадида амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдир.

Бугунги кунда минтақанинг барча мамлакатлари терроризм, диний экстремизм, трансмиллий жиноятчилик ва наркотрафик таҳдидларига дуч келмоқда.

Ушбу таҳдидларга қарши самарали курашишни фақат биргаликда, минтақа мамлакатлари ўртасидаги амалий ҳамкорлик механизмлари доирасида таъминлаш мумкин.

Хавфсизликка таҳдидларни "ўзиники ва ўзгаларники" деб ажратишдан воз кечиш, "яхлит хавфсизлик" тамойилига амалда риоя қилиш зарур, деган қатъий фикрдамиз.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минтақавий хавфсизлик муаммосини, аввало, превентив дипломатия усулларидан фойдаланган ҳолда ҳал қилишда муҳим ўрин тутиши лозим.

Шунингдек, МДҲ, ШҲТ, ЕҲҲТ ва бошқа нуфузли халқаро ҳамда минтақавий тузилмалар механизмлари доирасида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарур.

Бугунги кунда Марказий Осиёда барқарор ва изчил тараққиётнинг истиқболлари қўшни **Афғонистонда** тинчлик ўрнатиш билан чамбарчас боғлиқдир.

Биринчи галдаги вазифалардан бири Афғонистоннинг минтақавий иқтисодий жараёнларга қўшилишига ҳар томонлама кўмаклашишдан иборат.

Бу дунё ҳамжамиятининг Афғонистонда тинч тараққиётни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларига ғоят муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

Ўзбекистон бундан кейин ҳам бу қўшни мамлакатни иқтисодий жиҳатдан тиклаш, унинг транспорт ва энергетик инфратузилмасини ривожлантириш, миллий кадрлар тайёрлаш жараёнларида фаол иштирок этишини таъкидламоқчиман.

Марказий Осиёда барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашнинг устувор йўналиши – **экстремистик гояларга қарши қатъий курашишдан иборатдир**. Кўпинча ҳаётга энди қадам қўяётган ёшлар унинг таъсирига тушиб қолмоқда.

Марказий Осиё – аҳолининг ёши бўйича энг "ёш" минтақалардан биридир: бу ерда аҳолининг қарийб **60 фоизини ёшлар** ташкил этади ва бу дунё бўйича ўртача кўрсаткичдан анча юқоридир.

Айнан шу мақсадда Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг яқинда Нью-Йоркда бўлиб ўтган сессиясида **Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция**ни ишлаб чиқиш ҳамда **"Маърифат ва диний бағрикенглик" деб номланган махсус резолюция**ни қабул қилиш ташаббуси билан чиқди.

Ушбу ташаббусларни Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари қўллаб-қувватлагани ёшлар ўртасида радикал қарашлар тарқалишининг олдини олиш, тўғри йўлдан адашганларни ижтимоий реабилитация қилиш ва уларни соғлом ҳаётга қайтаришга тайёрлигимизнинг **амалдаги яққол ифодаси сифатида намоён бўлади**.

Бизнинг тажрибамиз шуни кўрсатмоқдаки, биринчи галда ёшларни илм-маърифатга ўргатиш, уларга **ислом динининг инсонпарварлик моҳияти**, ислом маданиятининг асл қадриятларини етказиш экстремизмга қарши курашишнинг энг самарали воситаси ҳисобланади.

Бу борада биз Самарқандда **Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази** ва **Тошкентда Ислом цивилизацияси маркази**ни ташкил этишга қарор қилдик.

Тўртинчидан, бу – давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш жараёнини тезда ва узил-кесил якунига етказишдир.

Биз чегараолди муаммоларини ҳал этиб, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш йўлида мустаҳкам пойдевор яратамиз.

Биз давлат чегараларини делимитация қилиш борасидаги музокараларда юзага келадиган мураккаб масалаларни ҳал этиш бўйича изчил йўлга қўйилган ва биргаликда чуқур ўйлаб амалга ошираётган ишларимизни давом эттириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Биз оқилона муроса ва ўзаро тенг алмашинув асосида, ўзаро манфаатларимизни ҳисобга олган ҳолда, бу ўта долзарб муаммони тез орада ҳал этамиз, деб ишонаман.

Бешинчидан, минтақада сув ресурсларидан адолатли фойдаланиш муаммосини имкон қадар тезроқ тартибга солиш лозим.

Ишончим комил, мазкур масалаларни ҳал этишда минтақадаги барча давлатлар манфаатларини ҳисобга оладиган халқаро ҳуқуқий меъёрлар асосида иш олиб бориш кутилган самарани беради.

Ўзбекистон БМТ томонидан ишлаб чиқилган **Амударё ва Сирдарё ҳавзалари сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги конвенциялар** лойиҳаларини қўллаб-қувватлайди.

Орол денгизининг экологик ҳалокати билан боғлиқ энг ўткир муаммоларни ҳал этиш ҳам саъй-ҳаракатларимизни бирлаштиришни талаб этади. Орол муаммоси бизнинг нафақат умумий дардимиз, балки умумий вазифамиздир.

Минтақавий ва халқаро даражада саъй-ҳаракатларимизни бирлаштирмасдан туриб, ушбу таҳдидларга қарши муносиб чоралар ишлаб чиқа олмаймиз.

Биз Оролбўйида юзага келган долзарб муаммоларни ҳал этиш, шунингдек, ижтимоий муҳим аҳамиятга молик лойиҳа ва дастурларни амалга оширишга донорлик кўмагини жалб этиш мақсадида Марказий Осиё минтақасининг барча давлатлари фаолиятини янада фаоллаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Олтинчидан, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида маданий-гуманитар алоқалар, дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш лозим.

Бу Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорликни жадаллаштиришнинг асосий шартларидан биридир.

Шу нуқтаи назардан, биз фаол маданий-гуманитар мулоқотни давом эттириш, мамлакатларимизда маданият кунлари ва турли ижодий тадбирларни мунтазам ташкил этиш, таълим ва сайёҳлик соҳасидаги алмашувларни "халқ дипломатияси"нинг энг муҳим воситаси сифатида ривожлантириш тарафдоримиз.

Оддий ва очиқ инсоний мулоқот – минтақада дўстлик, ҳамжиҳатлик ва барқарорлик муҳитини мустаҳкамлайдиган энг ишончли усулдир.

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

Марказий Осиёдаги долзарб масалаларни мамлакатларимизнинг саъй-ҳаракатларини умумий масъулият тамойили асосида бирлаштириш орқалигина ҳал этиш мумкин, деган фикримга, ўйлайманки, сизлар ҳам қўшиласиз.

Юқорида қайд этилган вазифаларнинг амалга оширилиши **Марказий Осиё мамлакатлари давлат раҳбарларининг ўзаро маслаҳатлашувлари бўйича учрашувларни мунтазам ташкил қилиш** имконини яратган бўлар эди.

Бизнинг бу борадаги ёндашувларимиз бугунги кунда минтақада умумий муаммоларни ҳал этишнинг йўлларини биргаликда излаб топишга реал зарурат мавжуд эканини англашдан келиб чиққан ёндашувдир.

Бу ёндашув **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессияси доирасид**а Марказий Осиё мамлакатлари ташқи ишлар вазирларининг баёнотларида ҳам ўз ифодасини топган.

Бу ўринда гап Марказий Осиёда янги халқаро ташкилот тузиш ёки ўз устави ва миллий давлат органларидан устун турадиган интеграциялашув соҳасида қандайдир тузилма ташкил этиш ҳақида кетмаётганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Минтақавий мулоқотларимиз фақат минтақамиз тараққиётига оид ҳал қилувчи масалалар юзасидан фаолиятимиз йўналишларини келишиб олишга йўналтирилади.

Бугунги конференциямиз якунлари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясига **Марказий Осиё минтақасида тинчлик, хавфсизлик ва барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир махсус резолюция қабул қилиш** ҳақида мурожаат қабул қилиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Бундай резолюциянинг қабул қилиниши БМТ ва бутун халқаро ҳамжамият томонидан амалий мулоқотни мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш ва минтақадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича келишилган ёндашувларни ишлаб чиқиш борасида бизнинг давлатларимиз олиб бораётган саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш йўлида муҳим аҳамиятга эга бўлур эди.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Марказий Осиё – бу ҳақиқатдан ҳам ноёб имкониятлар ва ҳали ишга солинмаган улкан салоҳият ва имкониятларга эга бўлган минтақадир.

Минтақада мустаҳкам тараққиёт, барқарорлик ва фаровонликни таъминлаш – бизнинг тўлиқ эриша оладиган муштарак вазифамиздир.

Ҳеч шубҳасиз, бугунги конференциямиз ана шу эзгу мақсадга эришиш йўлида яна бир муҳим қадам бўлиб, ҳал қилувчи аҳамиятга эга вазифаларни амалга ошириш, барчамизнинг "Марказий Осиё" деб аталадиган умумий диёримизда тинчлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган, ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган янги ғоя ва таклифларни илгари суришга хизмат қилади.

Форумнинг барча иштирокчилари ва меҳмонлари иш фаолияти самарали бўлишини, азим Самарқанд шаҳрида уларга яхши кайфият ёр бўлишини тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХАЛҚАРО АНЖУМАННИНГ ЮҚОРИ МАРТАБАЛИ ИШТИРОКЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВЛАР ЎТКАЗДИ

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 ноябрь куни Самарқандда БМТ шафелигида ўтказилган Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлашга бағишланган халқаро анжуманда иштирок этган Европа иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили, Еврокомиссия вице-президенти Федерика Могерини, Эрон ташқи ишлар вазири Муҳаммад Жавад Зариф ва Туркия иқтисодиёт вазири Нихат Зейбекчи билан икки томонлама учрашувлар ўтказди.

Европа иттифоқининг Олий вакили билан учрашувда конференциядаги иштирок ҳамда "Европа иттифоқи – Марказий Осиё" Вазирлар учрашуви Европа иттифоқининг Марказий Осиё бўйича стратегияси қабул қилинганининг 10 йиллигида ўтказилгани Европанинг минтақамизга алоҳида эътибор қаратаётганидан далолат бериши қайд этилди.

Европа иттифоқи асосий ҳамкорларимиздан бири бўлиб, Ўзбекистон Европа иттифоқи билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳар томонлама янада мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдори экани таъкидланди.

Учрашувда Европа билан кенг қамровли алоқаларни кенгайтириш борасида сезиларли натижаларга эришилаётгани қайд этилди. Европа иттифоқи билан шерикликни инвестиция, савдо, молиявий-техникавий ҳамкорлик, таълим ва бошқа қатор йўналишларда илғор тажриба ва технологиялар алмашиш соҳасидаги амалий мазмун билан бойитиш томонлар учун манфаатли эканига эътибор қаратилди.

Халқаро ва минтақавий, хусусан, Марказий Осиёда сиёсий ишончни мустаҳкамлаш ва барқарор тараққиётни таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Европа иттифоқи делегацияси мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, жумладан, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар билан таништирилди.

Эрон ташқи ишлар вазири Муҳаммад Жавад Зариф билан учрашувда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш истиқболлари муҳокама қилинди.

Жорий йил сентябрь ойида Остона шаҳрида ўтказилган Ислом ҳамкорлик ташкилоти саммити доирасида ўтган олий даражадаги икки томонлама учрашув самаралари Ўзбекистон – Эрон муносабатларининг фаоллашувига хизмат қилгани мамнуният билан таъкидланди.

Ўзаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари сифатида сиёсий мулоқотни янада ривожлантириш, товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва иқтисодиётнинг турли соҳаларида кооперацияни мустаҳкамлаш, минтақамизда самарали транспорт-коммуникация тармоғини барпо этиш белгиланган. Ўзаро манфаатли лойиҳаларни илгари суришда Ҳукуматлараро қўшма комиссия муҳим ўрин тутиши қайд этилди.

Эрон ташқи ишлар вазири Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ва Эрон Президенти Ҳасан Руҳонийнинг эзгу тилакларини етказди.

Туркия иқтисодиёт вазири Нихат Зейбекчи билан учрашувда шу йил 25-26 октябрь кунлари Ўзбекистон Президентининг Туркия Республикасига давлат ташрифи доирасида савдо-иқтисодий, инвестициявий ва молиявий ҳамкорлик соҳаларида эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Туркиянинг етакчи компаниялари ва банкларининг тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб қилган ҳолда, энергетика ва транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, туризм тармоғини ривожлантириш, шунингдек, замонавий саноат корхоналари ва логистика марказлари барпо этиш бўйича аниқ лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Нихат Зейбекчи Президентимиз Шавкат Мирзиёевга Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдўғоннинг самимий саломи ва энг эзгу тилакларини етказди. Туркия олий даражада эришилган келишувлар ва имзоланган битимлар тўла амалга оширилишининг қатъий тарафдори эканини таъкидлади.

ЎзА

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИМОМ БУХОРИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ ҚУРИЛИШИ БИЛАН ТАНИШДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 ноябрь куни Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги Имом Бухорий мажмуасига ташриф буюрди.

Ўтганлар хотираси ёд этилиб, Қуръон тиловат қилинди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ушбу мажмуа қошида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази барпо этилмоқда.

Президентимиз Имом Бухорий мажмуаси, халқаро илмий-тадқиқот маркази ва ҳудудда жойлашадиган бошқа инфратузилма иншоотлари концепцияси билан танишди.

Мажмуа ҳудудида чойхона, савдо шохобчалари, фаввора ва бошқа зарур объектлар қуриш режалаштирилган. Икки ён томонда ландшафт дизайни асосида маҳаллий шароитга мос бутазор ва гулзорлар ташкил этиш мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари марказ концепциясида зиёратчиларга қулайликлар яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Ушбу марказ ҳажга отланган зиёратчилар келиб, буюк алломаларимиз меросидан баҳраманд бўладиган илмий-маърифий маскан бўлиши зарур, деди Шавкат Мирзиёев. Бунинг учун зиёратчиларга ҳамма қулайликларни яратиш, хусусий меҳмонхоналар барпо этиш лозим. Бу ерга зиёратга келган одамларнинг иболат қилиши билан бирга, ҳадис илмини ўрганиши учун ҳам барча шароит яратилади. Лойиҳани амалга оширишда буни алоҳида ҳисобга олиш зарур. Келажакда ушбу марказ муқаддас динимизни, аждодларимизнинг ҳадисшунослик ривожига қўшган беназир ҳиссасини тарғиб қиладиган маскан бўлиши лозим.

Президентимизнинг 2017 йил 27 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ бугунги кунда мазкур марказ қурилиши жадал давом этмоқда. 6 гектар майдонни эгаллаган ҳудудда ҳадисшунослик олий мактаби ҳам барпо этилмоқда. Марказ биносида ҳадис, калом ва қироат илмини ўрганишга мўлжалланган хоналар, қўлёзмалар кутубхонаси, музей ташкил этилади.

Давлатимиз раҳбари марказ қурилишини замонавий ва миллий меъморлик анъаналарини уйғунлаштирган ҳолда амалга ошириш, бунёдкорлик ишларида сифатли қурилиш материалларидан фойдаланиш, ҳудудда зиёрат туризмини кенг йўлга қўйиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш юзасидан мутасаддиларга тавсиялар берди.

М.ЭЛМУРОДОВ,
ЎзА мухбири

Хабар қилинганидек, Самарқанд шаҳрида 10 ноябрь куни БМТ шафелигида "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ МИНТАҚАНИНГ УМУМИЙ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Марказий Осиёни барқарор ва иқтисодий ривожланган минтақага айлантириш, улкан ҳудудда тинчлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш бўйича долзарб ташаббусларни илгари сурди.

Ўзбекистон изчил тинчликпарварлик сиёсати юритиб келмоқда. Шавкат Мирзиёев Президент лавозимига киришиш маросимидаги нутқида ўзаро ишонч ва манфаатларни ҳисобга олиш асосида хорижий давлатлар, энг аввало, қўшни мамлакатлар билан яқиндан ҳамкорлик қилишга алоҳида аҳамият қаратишини таъкидлаган эди.

Бу мақсадлар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз ифодасини топди. Чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат юритиш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши қўшничилик муҳитини мустаҳкамлаш, давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилишни ҳал этиш каби масалалар устувор йўналишлар этиб белгиланди.

Ўтган қисқа вақтда бу борада тарихий қадамлар қўйилди. Президентимиз илк давлат ташрифларини қўшни мамлакатларга амалга оширди. Қозоғистон ва Қирғизистон Президентлари давлат ташрифи билан Тошкентда бўлди. Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ва сиёсий иродаси туфайли ишонч даражаси сезиларли ошди. Давлат чегаралари, савдо алоқалари, транспорт коммуникациялари, ҳудудлар ҳамкорлиги каби кўплаб масалалар бўйича ўзаро манфаатли ечимлар топишга эришилди.

Президентимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида Ўзбекистон бугунги кунда ўзининг ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасига устувор аҳамият қаратаётганини таъкидлади. "Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши қўшничилик ҳудудига айланишидан бевосита манфаатдордир. Тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё – биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир. Ўзбекистон ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдоридир. Биз Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳеч истисносиз барча масалалар бўйича оқилона мурosa асосида ҳамкорлик қилишга тайёрмиз", деган эди давлатимиз раҳбари.

"Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзусида ўтган халқаро конференция шу борадаги долзарб масалаларни муҳокама қилиш, умумий ёндашувлар ишлаб чиқиш ва истиқболдаги вазифаларни белгилаб олишда муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган мазкур форум Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қўллаб-қувватланди. БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш конференция иштирокчиларига мурожаат йўллаб, унинг алоҳида аҳамиятга эга эканини қайд этди.

Анжуманда А.Гутерришнинг видеомурожаати намойиш қилинди.

БМТ Бош котибининг сиёсий масалалар бўйича ёрдамчиси Мирослав Енча, Европа иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили, Еврокомиссия вице-президенти Федерика Могерини Марказий Осиё муҳим минтақа экани, бу ҳудуд барқарорлиги ва тараққиёти бутун дунёга таъсир кўрсатишини таъкидлади.

Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазири Қайрат Абдраҳмонов Қозоғистон Ўзбекистон ташаббусларини қўллаб-қувватлашини, хусусан, Остона шаҳри Президент Шавкат Мирзиёев илгари сурган Марказий Осиё давлат раҳбарлари маслаҳатлашувининг биринчи саммитини келгуси йил Наврўз байрами арафасида қабул қилишга тайёр эканини таъкидлади.

Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири Эрлан Абдилдаев ушбу конференция ўта долзарб масалаларга қаратилгани ва ўз вақтида илгари сурилганини қайд этди. Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари Марказий Осиёда дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, минтақа тарихида янги саҳифа очишга хизмат қилишини таъкидлади.

Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сирожиддин Аслов ушбу халқаро конференция кўп томонлама фикр алмашиш, ўзаро мувофиқ ёндашувлар ишлаб чиқиш ва минтақавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутишини қайд этди.

Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси раиси ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередов Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг конференция иштирокчиларига қутлови ҳамда минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги фикрларини етказди. Кучларни бирлаштириш халқларимизнинг умумий равнақига хизмат қилишини таъкидлади.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Томас Гремингер, Туркия Республикаси иқтисодиёт вазири Нихат Зейбекчи, Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Муҳаммад Жавад Зариф, Афғонистон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Салоҳуддин Раббоний, БМТ Бош котиби ёрдамчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг Европа ва МДҲ давлатлари бўйича минтақавий бюроси директори Жиҳан Султаноглу, ШҲТ Бош котиби Рашид Алимов, МДҲ Ижроия қўмитаси раиси – Ижрочи котиби Сергей Лебедев, Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири ўринбосари Александр Панкин, Ҳиндистон давлат ташқи ишлар вазири Вижай Кумар Сингх, БМТ Бош котибининг махсус вакили, Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Наталья Герман ва бошқалар сўзга чиқди.

Мазкур нуфузли конференциянинг Самарқандда ўтказилгани бежиз эмас. Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган бу кўҳна шаҳар минг йиллар давомида турли миллатлар, динлар ва маданиятлар ўртасидаги мулоқот маскани бўлган. Бу умумбашарий руҳ анжуманда яна бир бор ўз ифодасини топди. Бутун дунёдан келган сиёсатчилар, нуфузли экспертлар умумий келажак йўлида бирлашди.

Халқаро конференция шўъба мажлисларида давом этди. Уларда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг нутқида билдирилган фикрлар, илгари сурилган долзарб ташаббуслар кенг муҳокама қилинди.

Энергетик салоҳият, табиий ресурслар, транспорт-коммуникация имкониятларига эга Марказий Осиё улкан геосиёсий аҳамият касб этиши, бу минтақадаги жараёнлар бутун Евроосиё континенти барқарорлигига таъсир кўрсатиши таъкидланди.

Марказий Осиёда тинчлик, хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш, шунингдек, минтақавий ва халқаро ҳамкорликни кенгайтиришда минтақа давлатларининг консенсус, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро англашувга асосланган муносабатлари ҳал қилувчи ўрин тутиши қайд этилди.

Бу борада мунтазам мулоқотни йўлга қўйиш, умумминтақавий муаммоларга биргаликда ечим топиш мақсадида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳатлашувларини доимий ўтказиш тўғрисидаги ташаббус кенг қўллаб-қувватланди.

Анжуман иштирокчилари минтақа мамлакатлари ўртасида давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш борасидаги келишувларни ижобий баҳолаб, бу ишларни давом эттириш ва якунлаш савдо, иқтисодиёт, транспорт, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Марказий Осиё давлатлари вакиллари сув-энергетика ресурсларидан минтақадаги барча мамлакатлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда рационал фойдаланиш бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлигини яна бир бор тасдиқлади.

Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани тиклаш, унинг минтақавий иқтисодий жараёнларга қўшилишига ҳар томонлама кўмаклашиш тўғрисидаги ташаббуслар қўллаб-қувватланди.

Хавфсизлик масалалари муҳокама қилинар экан, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари ёшларнинг турли террористик ва экстремистик тузилмалар таъсирига тушиб қолишига йўл қўймаслик бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилиши зарурлигини таъкидлади. Бунинг учун жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёш авлодни чуқур билим ва диний бағрикенглик асосида тарбиялаш лозимлиги ҳақидаги фикр маъқулланди.

Минтақада транспорт, туризм, фан ва технологиялар, маданият, спорт каби соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Конференция иштирокчилари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Марказий Осиё минтақасида тинчлик, хавфсизлик ва барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир махсус резолюциясини қабул қилиш тўғрисидаги таклифни маъқуллади. Анжуман минтақадаги муаммолар ва истиқболдаги вазифаларни очиқ ва чуқур муҳокама қилиш учун қулай имконият яратганини таъкидлади.

Конференциянинг биринчи кунида "Минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш", "Сувдан фойдаланиш ва экология соҳасидаги ҳамкорлик" мавзуларида шўъба мажлислари ўтказилди. Мамлакатимиз ва хорижлик олимлар, нуфузли экспертларнинг таҳлилий маърузалари эшитилди ва муҳокама қилинди.

Форум доирасида "Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш" ҳамда "Барқарор тараққиётга таҳдидларга қарши курашишда халқаро ҳамжамиятнинг Марказий Осиё мамлакатларига кўмаги" мавзуларида шўъба мажлислари бўлиб ўтди.

Халқаро конференция якуни бўйича коммюнике қабул қилиниши режалаштирилган.

Анвар САМАДОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

"ЕВРОПА ИТТИФОҚИ – МАРКАЗИЙ ОСИЁ" УЧРАШУВИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан БМТ шафелигида Самарқандда ўтказилган "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзуидаги халқаро конференцияда нуфузли халқаро ташкилотлар, Марказий Осиё давлатлари ва бошқа мамлакатлар ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари, дипломатик корпус вакиллари, таниқли экспертлар иштирок этди.

Самарқандда Форумлар мажмуасида 10 ноябрь куни "Европа иттифоқи – Марказий Осиё" форматидаги давлатлар ташқи ишлар вазирларининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазири Қайрат Абдраҳмонов, Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири Эрлан Абдилдаев, Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сирожиддин Аслов, Туркманистон ташқи ишлар вазири Рашид Мередов, Европа иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили, Еврокомиссия вице-президенти Федерика Могерини ҳамда Халқаро ҳамкорлик ва тараққиёт бўйича Европа комиссари Невен Мимица учрашувда ҳамкорликнинг долзарб масалаларини муҳокама қилди.

Ушбу форматдаги муносабатлар келажаги, минтақанинг иқтисодий ривожланиш истиқболлари, минтақавий ҳамкорлик ва хавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув якунлари бўйича "ЕИ ва Марказий Осиё: янада хавфсиз ва муваффақиятли келажак йўлида ҳамкорлик" қўшма коммюникеси қабул қилинди.

Ташқи ишлар вазирликлари раҳбарларининг кейинги учрашувини 2018 йил Брюсселда ўтказишга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва Европа иттифоқининг Олий вакили Федерика Могерини оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказди.

ЎзА

Сўз халқаро конференция иштирокчиларига

МАРКАЗИЙ ОСИЁ – ТАРИХИ БИР, ОРЗУ-МАҚСАДЛАРИ МУШТАРАК ХАЛҚЛАР ДИЁРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқаро форумда сўзлаган нутқи иштирокчилар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Мирослав ЕНЧА, БМТ Бош котибининг сиёсий масалалар бўйича ёрдамчиси:

– Бугун дунёдаги ҳеч бир давлат ўз муаммоларини ёлғиз ўзи ҳал эта олмайди. Хоҳ катта, хоҳ кичик мамлакат бўлсин, биринчи навбатда, қўшни давлатлар билан дўстона алоқаларни йўлга қўйиши, минтақа манфаатларидан келиб чиқиб халқаро муносабатларга киришиши лозим. Шу нуқтаи назардан, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақада тинчлик ва осойишталик, барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлашда Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш юзасидан илгари сурилган ташаббуслар эътиборга молик.

Бугун ҳам Шавкат Мирзиёев бу борада муҳим ташаббусларни ўртага ташлади. Минтақа давлатларининг икки томонлама ва халқаро ташкилотлар доирасидаги кўп томонлама савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар, транспорт-логистика тармоқларидаги алоқаларини янги босқичда давом эттириш юзасидан таклифлар билдирилди. Ўйлайманки, бу фикрлар Марказий Осиё давлатлари томонидан қўллаб-қувватланади ва бунга БМТ ҳам ўз муносабатини билдиради. Хусусан, БМТнинг Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази ҳудуддаги давлатларнинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари самарали амалга оширилишига ёрдам беради.

Федерика МОГЕРИНИ, Европа иттифоқининг Ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили, Еврокомиссия вице-президенти:

– Шарқ ва Ғарбни бир-бири билан боғлашда Марказий Осиё минтақаси муҳим аҳамиятга эга. Мазкур минтақадаги давлатлар бугунги кунда Европа иттифоқи мамлакатлари билан барча соҳаларда ҳамкорлик қилиб келмоқда. Шу билан бирга, бугунги шиддаткор замон ушбу алоқаларни янада ривожлантиришни тақозо этмоқда. Бу, аввало, Европа иттифоқи билан савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш, минтақа давлатлари иқтисодиётини ривожлантириш, таълим, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалардаги алоқаларни мустаҳкамлашда намоён бўлади. Шунингдек, глобал масалалар – иқлим ўзгариши, ёшлар радикализми, терроризмга қарши кураш, хавфсизликни таъминлаш борасида Европа иттифоқи Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик қилишга, уларни қўллаб-қувватлашга доимо тайёр.

Буюк Ипак йўлининг чорраҳаси, Шарқ маданияти маркази деб эътироф этиладиган гўзал шаҳар – Самарқандда ташкил этилган мазкур халқаро конференция ҳам ушбу мақсадларга хизмат қилиши, энг муҳими, Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаши билан тарихий аҳамият касб этади.

Қайрат АБДРАҲМОНОВ, Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазири:

– Қозоқ халқида шундай нақл бор – яхши қўшни оғайнидан афзал. Қозоғистон Республикаси Марказий Осиё давлатлари билан ана шундай тамойил асосида ҳамкорлик алоқаларни йўлга қўйган ва бундан манфаатдор. Биз келгусида ҳам қўшни мамлакатлар билан икки томонлама ва халқаро ташкилотлар доирасида кўп томонлама ҳамкорликни изчил ривожлантириш тарафдоримиз. Кейинги пайтда бу борада Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентларининг муҳим келишувларга эришганларини алоҳида таъкидлашни истардим.

Айниқса, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида илгари сурган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг мунтазам маслаҳатлашувларини йўлга қўйиш бўйича ташаббусини Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев қўллаб-қувватлаб, биринчи учрашувни мамлакатимизда қабул қилишга тайёрлигини билдирди.

Бугунги халқаро форумда ҳам Ўзбекистон Президенти минтақа давлатлари ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига алоҳида эътибор қаратди. Биз – Марказий Осиё давлатлари ташқи ишлар вазирлари бу ташаббусларни ҳаётга татбиқ этишда фаол бўлишимиз зарур.

Ғ.ҲАСАНОВ
ёзиб олди

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги "Ёшлар" оромгоҳида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан ёшлар етакчилари фаолияти самарадорлигини янада ошириш мақсадида олий таълим муассасаларидаги ёшлар етакчилари учун ўқув семинари ўтказилди.

● Бухорода "электрон поликлиника"лар иш бошлади. Бухоро шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро уйидан туриб, ўзига хизмат кўрсатаётган ҳудуд поликлиникасига интернет орқали шифокор қабулига ёзилиши мумкин.

● "Жиззах" эркин иқтисодий зонасида жорий йилда умумий қиймати 203,9 миллион долларга тенг бўлган 7 лойиҳа амалга оширилаётир. Яна 11 лойиҳа устида иш олиб борилмоқда.

● Фарғона давлат университетида "Биз ёт ғояларга қаршимиз" шиори остида "Маърифий ислом ақидапарастликни қоралайди" мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

● Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманида маъмурий ҳамда жиноят ишлари бўйича туман судлари учун қурилган янги бино фойдаланишга топширилди.

● Бухоро вилояти Ромитан тумани маданият ва истироҳат боғида "Нуронийлар маскани" мажмуаси фойдаланишга топширилди.

● Нукусда "Илм юлдузлари" кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Американинг онлайн тарзда такси буюртириш хизмати — Uber япон конгломерати SoftBank билан ўз акциядорлик улушини сотиш борасида келишувга эришди.

● Эронда рўй берган зилзила оқибатида 170 киши ҳалок бўлди. Европа — Ўртаер денгизи сейсмология маркази Эрон ва Ироқ чегарасида кузатилган ерости силкиниши 7,2 магнитудага эга бўлганини қайд этди.

● Ҳиндистонда рўй берган қайиқ ҳалокати оқибатида камида 14 киши қурбон бўлди. Воқеанинг сабаблари ҳозирча маълум эмас. Шунингдек, қайиқда неча киши бўлгани ҳақида ҳам ахборот келтирилмаяпти.

● Швейцария ва Хорватия термалари келаси йил Россияда бўлиб ўтадиган Жаҳон Чемпионатида иштирок этади.

● Москва музейида мавсумнинг энг экстремал деб аташ мумкин бўлган кўргазма лойиҳаси — S-Fest очилди. У экшен-спорт-фотография ва кинога бағишланган.

● Tudor маркасига мансуб, бронза корпусли, Only Watch хайрия аукциони учун ягона нусхада чиқарилган соат бошланғич нархидан 100 баробар қимматига сотилди.

Конституция — менинг ҳаётимда

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ КАФОЛАТИ

Бугунги кунда инсон ва халқ манфаатларига хизмат қилиш, уларнинг яшашга ижтимоий, иқтисодий ҳамда маънавий кўринишидаги эҳтиёжларини қондириш мақсадида тузилган давлат ва давлат бошқаруви амалий жиҳатдан шахс манфаатлари йўлида хизмат қилишини таъминловчи кафолат — Конституциядир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси — инсонларнинг озод ва обод яшаш, меҳнат қилиш, илм олиш, фикрлаш, сўзлаш, сайлаш ва сайланиш, никоҳ тузиш, тиббий хизмат турларидан, турар жой дахлсизлигидан, тил ва дин эркинликларидан фойдаланиш ҳуқуқларининг асосий кафолатини таъминловчи Бош қонун сифатида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини олий даражага кўтарди.

Унда давлат ҳам, жамият ҳам, аввало, инсон манфаатларига хизмат қилиши, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиши устувор тамойил сифатида белгилаб қўйилди.

Конституцияга берилган ушбу тарифлардан кўриниб турибдики у бизнинг ҳаётимизда алоҳида ўринга эга, энг асосийси у ҳар бир инсонга бутун ҳаёти давомида хизмат қилувчи меъёрлар йиғиндиси бўлиб ҳисобланади.

Агар ўтмишга бир назар ташласак, инсон дунёга келишидан бошлаб то таълим олиши, Ватанни ҳимоя қилиш, оила қуриши, фарзанд тарбиялаши, меҳнат фаолияти билан шуғулланиши ва бошқа барча ҳолларда Конституция билан белгилаб қўйилган асосий тамойиллар, мезонлар ва қонун-қоидаларга асосланамиз, шунга яраша ҳаракат қиламиз.

Бугунги кунда Конституция биз учун ниҳоятда муқаддас ва қадрли, оила кўрғони, эртанги куни, бахтли ҳаётнинг кафолатидир.

Конституциянинг моддаларини кўриб чиқадиган бўлсак, оила жамиятнинг асосий бўғини ҳамда давлат муҳофазасида эканлиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, Конституцияда ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунга қадар боқиши ва тарбиялаши мажбурийлиги алоҳида қайд этилган.

Бундан ташқари, Конституциямизда, азалий қадриятларимиз ва урф-одатларимизга содиқ қолган ҳолда, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ҳам ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишлари алоҳида белгиланган.

Албатта бу биз ота-оналаримиз ҳақида қайғуришимиз кераклигини англатса, шу билан бирга ўзимизнинг эртанги кунимиз учун яратилажак замин бўлиб ҳисобланади. Чунки болаларимиз ҳам вақти келиб ўзларининг фарзандлик бурчини бажаришига ишончим комил.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Конституция мен учун азиз ва муқаддас бўлган оиламнинг хавфсизлиги сифатида кўз ўнгимда гавдаланади ва фарзандларим ҳамда ўзимнинг эртанги кунимга ишончни шакллантиради. Бу кабиларнинг аниқ белгиланмаслиги, мавҳум бўлиши кўпгина ёш оилаларни қийин аҳволга солиб қўйиши, оила каби муқаддас неъматнинг яратилишига ва мавжуд бўлишига салбий таъсир кўрсатган бўларди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлики, бахтимиз Қомуси Конституциямизни ҳар бир ўғил-қизимизга ўргатишимиз, унинг моҳиятини тушунтириб боришимиз керак деб ҳисоблайман. Чунки Конституциямиз халқимизга хос бўлган эзгулик, адолатлилик, тўғрилик каби хислатлар билан йўғрилган.

Шохруз ЗУФАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси ҳудудий менежмент факультети тингловчиси

Президентимизнинг 2017 йил 8 августдаги "Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси барча соҳалар каби узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, таълим хизматлари сифатини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш каби долзарб масалаларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.



Қарор ва ижро

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ МУШТАРАКЛИГИДА

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жорий йил таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, ўқитиш сифат ва самарадорлигини ошириш, педагогларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилган ислоҳотларга бой бўлди.

Шаҳримизнинг Олмазор туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳам таълим тизимининг хизмат даражасини оширишда уюшқоқлик билан фаолият олиб бормоқда.

Тумандаги 31 та умумтаълим мактабларида 42971 нафар ўқувчилар таълим олмоқда. Уларга 1966 нафар педагоглар сабоқ беради. Жумладан битта ёрдамчи мактаб, 3 та мактаб-интернат ҳамда 50 та мактабгача таълим муассасалари ва "Баркамол авлод" болалар маркази фаолият юритади.

Жорий йилда тумандаги 29, 36, 146, 196, 234-сонли мактабларда инвестиция дастури доирасида 12 млрд. 541 млн. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Президентимизнинг "2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлари келажагимиз эгалари бўлмиш болажонларимизни баркамол этиб тарбиялаш, тарбиячи педагоглар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилгани билан эътиборга моликдир.

Олмазор туманида ўтган йили учта мактабгача таълим муассасаларининг (52, 94, 472) биносини таъмирлаш учун 2 млрд. 538 млн. сўм маблағ сарфланган бўлса, жорий йилда 130-сонли мактабгача таълим муассасасини капитал таъмирлаш учун давлат бюджетидан 1млрд. 272 млн. сўм маблағ ажратилди ва айни кунларда ҳам таъмирлаш ишлари изчиллик билан олиб борилмоқда. 227-сонли мактабгача таълим муассасасининг болалар ёзги майдончасини таъмирлаш ишлари учун маҳаллий бюджетдан 50 млн. сўм маблағ ажратилиб таъмирлаш ишлари ўз нихоясига етказилди. Келаси йилда учта мактабгача таълим муассасалари биноларини капитал таъмирлаш режалаштирилган.

– Ўқитувчи касби олий мартаба. Бугунги кун ўқитувчиси изланишдан, ўрганишдан, интилишдан тўхтамаса, фидойилик қилса, ўқувчиларга меҳр билан таълим-тарбия берса, уларни юрт корига камарбаста йигит-қизлар этиб вояга етказса педагог, устоз деган номни янада оқлар эди, – дейди Олмазор туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири Дониёр Султонов. – Шундай экан келажаги порлоқ, истиқболи ёркин фарзандларимизнинг билимли инсонлар бўлиб камолга етишида барча педагоглар фидойилик билан иш олиб боришимиз лозим. Биз педагоглар ёшларнинг нафақат мустаҳкам билим олиши, балки, келажакда комил инсон бўлиб вояга етишига ҳам бирдай масъулмиз. Чунки келажак бугундан бошланади, бизнинг бугунимиз эса мактаб партасидаги ўқувчилардир...

Таълим муассасаларида куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари ҳам кўнгилдагидек олиб борилмоқда. Бу ҳақда мудир ўринбосари Умида Муслимова бизга қуйидагиларни маълум қилди:

– Жорий йилда маҳаллий бюджетдан 2 млрд. 200 млн. сўм маблағ ажратилиб 8 та мактаб, 11 мактабгача таълим муассасаларида жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Ажратилган маблағлар муассасаларнинг том, канализация қувурлари, синган ойналар, бинолар таъмири ҳамда иситиш тармоғини босим остида ювиш учун мақсадли сарфланди. Айни кунларда 15, 22, 134-сонли мактабларнинг том қисми, 28-сонли мактабнинг қозонхонаси, 261 ва 326-сонли ўқув масканларининг иситиш тизимларини таъмирлаш, 234-мактабнинг кириш йўлларини асфальт қилиш ишлари тезкорлик билан олиб борилмоқда.

Туман мактабларида 1279 нафар 10-синф ўқувчилари таҳсил олмоқда. Уларнинг барчаси касб-ҳунар коллежларида ташкил этилган ўқув ишлаб чиқариш мажмуаларига бириктирилган бўлиб, ҳафта кунлари доирасида 6 та касб бўйича ўқув машғулотларига мунтазам равишда қатнашадилар.

Бугунги кунда ўқув муассасаларида ўқувчиларга энг янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларидан кенг фойдаланган ҳолда таълим бериш дастурларини янада такомиллаштириш, сифат жиҳатдан янгилаб бориш, янги ўқув дарсликларини яратиш ва жорий қилиш, таълим муассасаларини замонавий ўқув-услубий адабиётлар билан таъминлаш ва энг янги хорижий адабиётларни харид қилиш, таржима қилиш асосида ахборот-ресурс марказлари фондларини доимий янгилаб бориш вазифалари юклатилган.

Жорий йилда "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" танловининг туман босқичида ўнта фандан 465 нафар ўқитувчилар иштирок этиб, 13 нафари совринли ўринларни эгаллаган.

Етарли балл тўплай олмагани учун рус тили (ўзбек мактабларида), миллий истиқлол ғояси, немис, француз тиллари фанларидан барча ўринлар, информатика ва кимё фанларидан 2-3 ўринлар, тарих ва физика фанларидан 3-ўринлар бўш қолган. Бу тумандаги халқ таълими тизимидаги асосий камчиликлардан биридир.

Аммо, республика миқёсидаги танловларда ғолибликни қўлга киритган ўқитувчилар билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Танловнинг мамлакат босқичида 242-сонли умумтаълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси Парвина Исматуллаева иккинчи ўринга сазовор бўлди. 249-сонли мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Дилором Зуфарова танловнинг шаҳар босқичида иккинчи ўринга муносиб деб топилган бўлса, 219-сонли мактабнинг математика фани ўқитувчиси Ҳамдам Қурбанбоев учинчи ўринга муяссар бўлди.

Биз тумандаги 29, 36, 234-сонли умумтаълим мактабларида бўлганимизда ўқувчиларни ҳар томонлама етук, маънавиятли, баркамол авлод қилиб тарбиялаш, уларнинг китобхонлик маданиятини ошириш борасида ҳам самарали ишлар олиб борилаётганига яна бир бор гувоҳ бўлдик. Айниқса ёш авлод ўртасида оммавий китобхонлик маданиятини ошириш, юксак маънавиятли, интеллектуал салоҳиятли, ватанпарвар шахсни тарбиялаш йўлида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда.

– Мактабимиз кутубхонасида турли мавзудаги адабиётлар, ўқув-услубий қўлланмалар, мақол ва топишмоқлар жамланмаси, энциклопедиялар, география, табиат, астрономия ва ҳайвонот оламига бағишланган ўзбек, рус ва инглиз тилидаги китоблар бисёр, – дейди 243-сонли умумтаълим мактабининг 10-синф ўқувчиси Дилбар Маҳкамжонова. – Устозларимизнинг берган билимларини оқлаб келажакда она Ватанимизга муносиб фарзандлар бўламиз.

Дарҳақиқат, ўқувчиларнинг ҳар томонлама билимдон, зукко, изланувчан ва баркамол инсонлар бўлиб камолга етишида устоз-мураббийларнинг ўз ўрни бор. Зеро, ёшларга сабоқ бериш, уларни илмли, комил инсонлар қилиб вояга етказиш учун педагогларимизнинг ўзлари ҳам етук илм ва тажрибага эга бўлмоқлари лозим.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

ЁШЛАР УЧУН ЎҚУВ САЁҲАТИ

"Баркамол авлод" Республика болалар ўлкашунослик ва экология маркази томонидан болалар сайёҳлигини кенг тарғиб этиш ва ривожлантириш мақсадида "Тошкент – Хоразм – Тошкент" йўналишида ўқув саёҳати ташкил этилди. Ушбу тадбирга марказнинг 50 нафар тўгарак аъзолари ва педагог ходимлари жалб этилди.

Ўқув саёҳатини уюштиришдан мақсад болалар сайёҳлигини тарғиб этиш орқали уни ривожлантириш, ёш авлод онгида Ватанимизнинг моддий ва маънавий бойликларига ҳурматни шакллантириш ва уларни авайлаб-асрашга ўргатиш, юртимиздаги меъморий-тарихий, замонавий ёдгорликларни ўрганиш билан бирга ёшларда улар ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлишларини таъминлашга қаратилди.

Қадимий шаҳарлардан бири бўлган Хива асрлар мобайнида инсониятнинг маънавий ва моддий маданияти тараққиётига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келган. Халқаро сайёҳлик марказларидан бири саналган Хива бежиз бутун дунёда очиқ осмон остидаги музей сифатида эътироф этилмаган.

Дастлабки саёҳат Хива шаҳридаги "Ичан-Қалъа" тарихий меъморий ёдгорлигини зиёрат қилишдан бошланди. Ўқув саёҳати назарий ва амалий тарзда олиб борилди. "Баркамол авлод" Республика болалар ўлкашунослик ва экология маркази экскурсоводи Е.Яригина саёҳат иштирокчиларига "Ичан-Қалъа" Марказий Осиёда сақланиб қолган бирдан бир шаҳар-ёдгорлик бўлиб, унинг ўтмишдаги тақдири меъморий обидалари дунёнинг энг қадимги маданий воҳа Хоразмнинг тарихий маданий тараққиёти билан чамбарчас боғлиқлиги ҳақида батафсил маълумот берди.

Шунингдек, Муҳаммад Аминхон мадрасаси ва минораси, Муҳаммад Раҳимхон (Феруз) мадрасаси, Сайид Оловуддин мақбараси, Шерғозихон мадрасаси, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси ҳамда бошқа меъморий ёдгорликлар иштирокчиларда жуда катта қизиқиш уйғотди.

— Ушбу ўқув саёҳати ўқувчи-ёшларнинг маънавияти, истеъдоди ва ижодий қобилиятларининг ўсишига ўз ҳиссасини қўшади, — дейди марказнинг "Ёш ўлкашунос" тўгараги раҳбари Ҳ.Нармуҳаммедов. — Зеро, она юрт тарихи, ўтмиши, аждодлар меросини ўрганиш ҳамда асраб-авайлаш ва келажак авлодга асл ҳолида етказиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Мактабдан ташқари таълим муассасалари халқ таълими тизимининг таркибий қисми бўлиб, унинг асосий вазифаси ҳар бир ўқувчининг иқтидорини шакллантириш ва ривожлантириш, бўш вақтларини қизиқарли ва мазмунли тарзда ташкил этиш ҳамда ўтказилаётган барча оммавий тадбирлар натижасида янги истеъдодларнинг кашф этилишида асосий ўрин эгаллайди. Ҳар бир машғулот ва турли учрашувлар, саёҳатлар, оммавий тадбирлар орқали ёшларнинг онгига миллий қадрият ва урф-одатларни сингдириш, аждодларимизнинг неча минг йиллик тарихи, маданияти, бебаҳо маданий меросини ва миллий анъаналарини бугунги кун жаҳон тараққиёти ютуқлари билан бойитиб, уларда қатъий эътиқод, тиришқоқлик, мардлик, иродалилик каби инсоний фазилатларни шакллантириш, жисмоний камолотини ривожлантиришга хизмат қилишдан иборатдир.

Бундан ташқари Урганч шаҳридаги буюк бунёдкорлик ишлари, кенг ва равон кўчалар, гўзал истироҳат боғлари барчанинг эътиборини тортди. Ўқувчилар Жалолиддин Мангуберди ҳайкали пойига гуллар қўйишди. Кун давомида Урганч шаҳрида жойлашган ёшлар маркази, Шовот канали, Ёшлар кўли ва "Авесто" ёдгорлиги мажмуаларига ўқув саёҳати уюштирилди. Шунингдек, марказ тўгарак аъзолари билан биргаликда беназир ҳофиз, олижаноб инсон Комилжон Отаниёзовнинг уй-музейига ташриф буюриб, буюк санъаткорнинг ижод йўли, устозлари, оила аъзолари ҳамда унинг унутилмас, ўлмас санъати ҳақида қимматли маълумотга эга бўлинди.

Зиёда РАСУЛОВА

ИЖОДКОР ЎҚУВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

"ЭКОСАН" экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этган "Табиат болалар кўз ўнгида" мавзусидаги расмлар кўрик-танловининг якуний босқичи Яккасарой туманидаги 25-сонли имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактабида ўтказилди.

Тадбир аввалида иштирокчилар ўқув масканларида ташкил этилган кўргазмада ўқувчиларнинг ижод намуналари ва мазкур кўрик-танлов учун ишланган расмларни қизиқиш билан томоша қилдилар.

Кўрик-танловни ўтказишдан асосий мақсад – ўсиб келаётган авлодни табиатга муҳаббат руҳида тарбиялаш, она табиатни асраб-авайлаш, тасвирий санъат орқали ўқувчиларнинг бадиий ижодини ривожлантиришга қаратилаётган ҳаракатларига эътиборни кучайтиришдан иборат.

Танловга тақдим этилган ўқувчиларнинг ижод намуналарида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, она табиатга бўлган меҳр, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, тоғ-адирларнинг гўзаллиги юқори даражада кўрсатилган.

Бундай тадбирлар ўсиб келаётган ёш авлодда табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш каби туйғулар шаклланишига, экологик маданиятнинг ривожланишига хизмат қилади, албатта.

Тадбирда профессор Шокиржон Жўраев сўзга чиқиб, ўзи раҳбарлигида Сурхондарё вилоятида "ЭКОСАН" фонди томонидан нашр этилаётган "Эко Мулоқот" газетасининг тақдимотини ўтказди ва ўқувчиларни ушбу газета саҳифаларида ўз ижодлари билан иштирок этишга чорлади.

Бош мукофотга 25-сонли мактабдан Азиз Натальченко, Вера Варданян, Аҳрор Абдурахмонов, 23-болалар мусиқа ва санъат мактабидан Саида Алимуҳамедова, Аюбхон Икромов, Муниса Ҳабибуллаева сазовор бўлишди. Рағбатлантирувчи ўринларга Мубина Акромова, Закия Қосимжонова лойиқ деб топилди. Барча ғолиблар "ЭКОСАН" фонди ва "Тасвирий ойина" ижодий уюшмасининг диплом, фахрий ёрлиқ ва совғалари билан тақдирландилар.

Миркарим МИРСОВУРОВ,
"ЭКОСАН" халқаро хайрия жамоат фонди бўлим бошлиғи

БОЙ МИЛЛИЙ МЕРОСИМИЗ НАМОЙИШИ

Пойтахтимизда I Тошкент халқаро амалий санъат фестивалининг ёпилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йилнинг 3 ноябрь куни ҳунармандчиликни янада ривожлантириш, ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини оширишга бағишланган йиғилишда мазкур соҳа равнақига оид янги истиқболлар белгиланди.

Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан ҳамкор ташкилотлар билан бирга 2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилига бағишлаб ташкил этилган I Тошкент халқаро амалий санъат фестивали ҳунармандлар ижодини кенг жамоатчиликка таништириш, уларнинг хориждаги ҳамкасблари билан ўзаро тажриба алмашиши учун имконият яратишга хизмат қилди. Мазкур фестиваль учун юртимиз ва Буюк Британия, Германия, Жанубий Корея, Италия, Латвия, Озарбайжон, Россия, Тожикистон, Япония, Қозоғистон, Қирғизистон каби давлатлардан икки юзга яқин ижодкорнинг энг сара ишлари танлаб олинди.

Бир ҳафта мобайнида пойтахтимиздаги кўргазма заллари, галереялар, музейларда амалий ва декоратив санъатга оид ижод намуналари кўргазмалари бўлиб ўтди. Давра суҳбатлари, конференциялар, ижодий мулоқотлар чоғида амалий санъатнинг бугунги ривожланиш тенденциялари, истиқболдаги вазифалар белгиланди. Фестиваль мобайнида санъатшунослар, чевар ҳамда мусаввирлар гуруҳлари ҳамкорлигида яратилган "Олис юлдуз шуъласи", "Жонзотлар", "Шойи, адрас, бахмал", "Анжели", "Қрим услуби", "Россиянинг қуроқли мозаикаси" сингари кўплаб ижодий лойиҳалар, туркум композициялар томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

– Ўзбекистонда кўплаб биенналелар, халқаро кўргазмалар, санъат ҳафталикларида қатнашганман, – дейди рассом Франк Рёдель (Германия). – Бироқ амалий санъат фестивали халқ меросининг ажойиб йўналишларини намойиш этгани билан барчага ғоят манзур бўлди. Ҳамкасбларим, яқинларимга ўзбек ҳунармандлиги намуналаридан совғалар – мўъжаз қутичалар, кулолчилик буюмлари, миллий матолар олдим. Ўзбекистон, унинг меҳридарё халқи, қўли гул ҳунармандлари ҳақидаги энг ёрқин ва самимий хотиралар қалбимга янада мустаҳкамроқ муҳрланди.

Нафис санъатга доир ижодий нашрларнинг тақдимоти, модалар намойиши, миллий ҳунармандликнинг турли йўналишлари бўйича маҳорат сабоқлари, мусиқий кечалар, пойтахтимиздаги музейлар ва дикқатга сазовор масканларга саёҳатлар фестиваль дастурининг янада ранг-баранглигини таъминлади.

Ижодий ишлари энг яхши, деб топилган мусаввир, уста ва ҳунармандлар, уларнинг шогирдларига Ўзбекистон Бадиий академиясининг сертификат ва эсдалик совғалари топширилди.

Назокат УСМОНОВА

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 7-оилавий поликлиникада тиббий-ижтимоий акция бўлиб ўтди. Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги томонидан ташкил этилган акция доирасида кам таъминланган оилаларнинг 185 нафар фарзанди гепатит А га қарши эмланди.

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Юқумли касалликларнинг олдини олишнинг замонавий тизими эпидемиологик барқарорликни таъминлаш ҳамда инсон саломатлигини сақлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

– Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини юксалтириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, – дейди Мирзо Улуғбек тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Севара Ҳусанова. – Эмлаш ишларига мингга яқин бола қамраб олинади. Бунинг учун тумандаги олтита поликлиниканинг 152 нафар шифокори ва 304 нафар ҳамшираси жалб этилади.

"Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида тумандаги барча поликлиникалар замонавий ускуналар, жумладан, рақамли ультратовуш ташхиси, дистилляторлар билан жиҳозланди. Натижада ташхис қўйиш сифати яхшиланди, бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлиги ошди. Поликлиникаларда 260 мингдан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатилади. Улардан 71 минг нафари 18 ёшгача бўлган болалардир.

Шифокорлар профилактик чоратадбирларни ташкил қилишда маҳаллалар билан мунтазам ҳамкорлик қилмоқда. Айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, касалликларни эрта аниқлаш ва даволашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тушунтириш ишлари натижасида эрта турмуш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳлар сони камайди. Шифокорлар кексаларнинг соғлиғини мунтазам равишда назорат қилади.

Соҳа ходимларининг муваффақиятли фаолияти ҳамда тиббиёт муассасаларида яратилган замонавий шароитлар аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш, юқумли касалликлар бўйича барқарор вазиятни сақлаш ва болалар ўртасидаги касалликларни қисқартиришга хизмат қилмоқда.

Ирина ДОЛЕНКО,
ЎзА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри, Учтепа тумани 199-мактаб ўқувчиларни арзон ва сифатли иссиқ овқат билан таъминлаш мақсадида ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилади

Болалар сони	Ўқиш куни	1 бола учун	Суммаси
254	26	2000	13 208 000

Таклифлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади. Батафсил маълумотлар учун тел: +99871 272-34-61

(Газетанинг навбатдаги сони 15 ноябрда чиқади).

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

(Давоми. Боши ўтган сонда)

ПАЙШАНБА, 16

Ўзбекистон

06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.30 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
08.00 "Ахборот".
08.35 "Парламент ҳаёти".
08.55 Анонс.
09.00 "Беҳаловат ҳимоячилар". Т/с.
09.45 "Кунларнинг бирида..."
10.00 "Ҳидоят сари".
10.45 Анонс.
11.00 Миллий сериал. "Вақт қадри".
11.30 "Олий қадрият".
11.50 Анонс.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.30 "Интизом чегараси". Б/ф.
15.10 Анонс.
15.25 "Бугуннинг мавзуси".
16.00 "Муқаддас қадамжолар".
16.15 "Беҳаловат ҳимоячилар". Т/с.
17.00 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
17.25 "Бизнес старт".
17.55 Анонс.
18.10 "Солиқ ва ҳаёт".
18.30 "Биз учун муҳим". Ток-шоу. (Тўғридан-тўғри эфир).
19.30 "Ахборот" /рус./.
20.00 "Тараққиётнинг янги босқичи".
20.30 "Менинг боғим".
21.00 "Ахборот".
21.30 "Устурлоб".
21.50 – 23.30 "Ашаддий мухлис". Б/ф.
23.30 "Кунларнинг бирида..."
23.45 "Муқаддас қадамжолар".
00.00 "Қўриқхонанинг тўрт фасли" Х/ф.
00.30 Миллий сериал. "Фидойилар".
01.00 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
03.00 Миллий сериал. "Қалдирғочлар яна қайтади".
03.30 "Менинг боғим".
03.50 "Абадият чархи". Б/ф.
05.10 "Бировнинг ҳаққи". Теленовелла.
05.25 Анонс.
05.35 – 05.55 "Устурлоб".

Ёшлар

06.00 "Ватан меҳри".
06.10 "Балойи нафс". Т/с.
07.00 "Давр".
07.30 "Айвон".
08.00 "Пуаро". Т/с.
09.50 "Телетуҳфа".
10.00 "Давр".
10.10 "What's up" ток-шоуси.
10.50 "Фан ва ёшлар".
11.20 "Бир қадам". В/ф.
12.00 "Давр-репортаж".
12.10 "Бахт маликаси". Т/с.
13.00 "Давр".
13.10 "Афсона ва ҳақиқат".
14.00 "Айвон".
14.30 "Ямбўй ажинаси". Б/ф.
16.00 "Давр".
16.10 "Капитан Хук". Б/ф. 1-қисм.
17.30 "Обод ҳудудлар".
17.50 "Сеҳрли узук". Т/с.
18.50 "Ўзинг, юртинг, юртдошинг учун".
19.10 "Бахт маликаси". Т/с.
20.00 "Давр".
20.30 "Дугонажонлар". Т/с.
21.15 "Шарқ миниатюраси".
21.25 "Ёнма-ён".
21.50 "Телетуҳфа".
22.00 "Давр".
22.30 "Туз ва оташ". Б/ф.
00.10 "Ёнма-ён".
00.40 "Бахт маликаси". Т/с.
01.20 "Мўъжизавий дунё".
03.10 "Обод ҳудудлар".
03.30 "Дугонажонлар". Т/с.
04.10 "Айвон".
04.40 "Афсона ва ҳақиқат".
05.30 – 06.00 "Давр".

Тошкент

05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
06.00 "Тошкентнома".
06.20 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
07.00 "Тошкент вақти".
10.00 "Пойтахт-репортаж" (рус.).
10.20 "Муҳаббат-мангу". Т/с.
11.00 "Пойтахт-спорт".
11.15 "Очиқ мулоқот"
12.15 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
13.00 "Пойтахт-вазият".
13.15 "Касл". Т/с.
14.00 "Тошкент вақти".
17.00 "Пойтахт-спорт".
17.15 "Кесишмаган нуқта".
18.00 "Обод хонадон".
18.30 "Poytaxt-Hi-tech".
18.45 "Телемаркет".
19.00 "Poytaxt-reportaj".
19.20 "Касл". Т/с.
20.00 "Очиқ мулоқотдан сўнг".
20.30 "Poytaxt-авто".
20.45 "Poytaxt-интервью".
21.05 "Муҳаббат-мангу". Т/с. /Премьера/.
21.45 "Телемаркет".
22.00 "Индиана Джонс: В поисках утраченного ковчега". Х/ф.
23.50 "Poytaxt-Hi-tech".
00.05 "Poytaxt-reportaj".
00.20 "Очиқ мулоқотдан сўнг".
00.50 "Poytaxt-интервью".
01.05 "Тошкентнома".
01.25 "Мен сизга айтсам".
02.10 "Обод хонадон".
02.35 "Poytaxt-авто".
02.50 "Пойтахт-спорт".
03.00 – 05.55 "Тошкент вақти".

Спорт

06.00 Мадҳия.
06.05 Кўрсатувлар тартиби.
06.10 "Қувноқ стартлар".
06.35 "Спорт хандаси".
06.45 "Халқ ўйинлари".
07.00 "Sport-online".
07.35 "Соғломжон-полвонжон".
08.00 Спорт янгиликлари.
08.10 Баскетбол.
09.35 "Спортимиз маликалари".
10.00 "Ифтихоримсан, спорт!"
10.15 Интерфутбол.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport-online".
12.30 Спорт янгиликлари.
12.40 Дзюдо. Ўзбекистон Кубоги.
14.00 Новости спорта.
14.10 Интерфутбол.
16.00 "Матонат".
16.30 Спорт янгиликлари.
16.35 Теннис. ATP – WTA турнири.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Шижоат".
18.30 Новости спорта.
18.45 "Техноспорт".
19.00 "Гол". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
20.05 "Спорт хандаси".
20.15 "Спорт-маркет".
20.30 Спорт янгиликлари.
20.50 Дзюдо. Ўзбекистон Кубоги.
22.05 Интерфутбол.
23.50 "Техноспорт".
00.00 Мадҳия.
00.05 Профессионал бокс.
01.00 Новости спорта.
01.10 Баскетбол.
02.35 Дзюдо. Ўзбекистон Кубоги.
03.50 Профессионал бокс.
04.40 – 06.00 Теннис. ATP – WTA турнири.

Маҳалла

06.00 "Ватан мадҳи".
06.05 Миллий сериал. "Қайтар дунё".
06.40 Кексалар даврасида: "Шукрона".
07.00 Миллий сериал. "Ҳаёт жилғалари".
07.30 "Ён қўшним – жон қўшним".
08.00 "Меҳригиё". Ток-шоу.
09.00 Миллий сериал. "Меҳмонхона".
09.40 "Қонунчиликдаги янгиликлар".
10.00 "Тарбиянинг олтин қоидаси".
10.30 "Муаммо ва ечим".
11.00 "Илҳом мавжлари".
11.30 "Табаррук анъана".
12.00 "Жавондаги жавоҳир".
12.30 "Маҳалла – менинг тақдиримда".
13.00 "Телевизион миниатюра".
13.30 "Биламиз-ку, аммо..."
14.00 "Ёшларга иш беринг". Ток-шоу.
14.50 "Мутолаа завқи".
15.00 Миллий сериал. "Қисмат битиги".
15.40 "Халқ билан юзма-юз".
16.10 "Step by step".
16.30 "Томорқам – хазинам".
17.00 Миллий сериал. "Орзулар фасли".
17.30 "Қадр топган қадриятлар".
18.00 "Аждодлар хазинаси".
18.30 "Фермер".
19.00 Миллий сериал. "Ҳаёт жилғалари".
19.40 Кексалар даврасида: "Саодатли умр".
20.00 "Жамият ва ҳуқуқ".
20.30 "Одоб дурдоналари".
21.00 "Аслидек асрайлик".
21.30 "Бир осмон остида".
22.00 Миллий сериал. "Меҳмонхона".
22.40 "Маҳалладошлар".
23.10 "Ноёб институт".
23.30 "Илм қудрати".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Қайтар дунё".
00.40 "Хатарли қармоқ".
01.00 "Қариси бор уй".
01.30 "Тадбиркорлик – қонун ҳимоясида".
02.00 "Осуда ҳаёт".
02.30 "Меҳнат ҳуқуқи".
03.00 Миллий сериал. "Қисмат битиги".
03.40 "Таҳлил ва талқин".
04.00 "Машварат".
04.30 "Бизнес ва тараққиёт".
05.00 Миллий сериал. "Орзулар фасли".
05.30 – 06.00 "Қайнона бисотидан".

Болажон

07.00 "Салом, болажон!"
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Ширинтой-кичкинтойлар".
07.40 "Мультипанорама".
08.30 "Ланди-ланди".
08.45 "Саёҳатчи болажон".
09.00 "Мультипанорама".
10.30 "Қувноқ алифбо".
11.00 "Мультипанорама".
11.40 "Катта танаффус".
11.50 "Бола бошидан".
12.00 "Мультипанорама".
12.40 "Қувноқ стартлар".
13.00 "Мультипанорама".
14.30 "Табиатга саёҳат".
14.50 "Мультипанорама".
16.10 "Сеҳрли қўллар".
16.30 "Мультипанорама".
18.00 "Саргузаштлар ороли".
18.30 "Мультипанорама".
20.00 "Китоблар мамлакатида".
20.30 "Мультипанорама".
21.40 "Эртакчи болажонлар".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр

06.00 "Юрт мадҳи".
06.05 Қадрдон кино. "Цирк майдонига йўл".
07.20 Мумтоз кино. "Оқ бўрилар".
08.50 Саргузашт фильмлар экрани. "Гангстер". Б/ф. 2-қисм.
10.10 "Келин". Т/с.
10.55 "Сенга ошиқман". Т/с.
11.45 Жаҳон киноси. "Умид чўққиси".
13.15 Оилавий экран. "Йўриқнома шарт эмас".
15.10 Болалар экрани. "Узуклар ҳукмдори". Б/ф. 1-қисм.
16.35 Мировое кино. "Открытый простор".
18.50 "Қидирилмоқда". Т/с. Премьера.
20.00 "Сенга ошиқман". Т/с.
20.50 "Инсонга муҳаббат". Б/ф. 4-қисм.
21.30 "Келин". Т/с.
22.15 "Кариб денгизи қароқчилари. Ғаройиб ороллар". Б/ф. 2-қисм.
23.30 Мўъжаз фильм. "Ҳамдардлар".
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Семьянин". Х/ф.
02.05 "Малика ва жангчи". Б/ф.
04.10 – 06.00 "Қойилмақом фириб". Б/ф.

ЖУМА, 17

Ўзбекистон

06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.30 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
08.00 "Ахборот".
08.35 "Тараққиётнинг янги босқичи".
09.00 "Беҳаловат ҳимоячилар". Т/с.
09.45 "Биз учун муҳим". Ток-шоу.
10.45 1. "Дидар". 2. "Рангинкамон".
11.15 Миллий сериал. "Вақт қадри".
11.45 "Муқаддас қадамжолар".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.30 "Менинг ҳаётим". Б/ф.
15.25 Анонс.
15.30 "Ибратга йўғрилган умр".
15.55 "Агроолам".
16.15 "Беҳаловат ҳимоячилар". Т/с.
17.00 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
17.25 "Ҳунар сирлари".
17.45 "Ҳаёт тилсими".
18.05 "Кўрганларимиз ҳақида".
18.30 "Муносабат". Ток-шоу. (Тўғридан-тўғри эфир).
19.30 "Ахборот" /рус./.
20.00 "Ҳидоят сари".
20.30 "Қишлоқ ҳаёти".
21.00 "Ахборот".
21.30 "Кўнгил ободлиги".
22.00 – 23.45 "Имконсиз топшириқ". Б/ф.
23.45 "Кўрганларимиз ҳақида".
00.15 Анонс.
00.30 Миллий сериал. "Фидойилар".
01.00 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
03.00 Миллий сериал. "Қалдирғочлар яна қайтади".
03.30 1. "Дидар". 2. "Рангинкамон".
04.00 "Қайдасан, Оймомо?" Б/ф.
05.15 Анонс.
05.25 – 05.55 "Кўнгил ободлиги".

Ёшлар

06.00 "Ватан меҳри".
06.10 "Балойи нафс". Т/с.
07.00 "Давр".
07.30 "Айвон".
08.00 "Маликанинг муҳаббати". Б/ф.
09.50 "Телетуҳфа".
10.00 "Давр".
10.10 "Ёнма-ён".
10.30 "Автопатруль".
10.50 "Томчида қуёш".
11.00 "Обод ҳудудлар".
11.20 "13-студия".
12.00 "Ўзинг, юртинг, юртдошинг учун".
12.10 "Бахт маликаси". Т/с.
13.00 "Давр".
13.10 "Афсона ва ҳақиқат".
14.00 "Айвон".
14.30 "Кечиккан ҳаёт". Б/ф.
15.55 "Телетуҳфа".
16.00 "Давр".
16.10 "Капитан Хук". Б/ф. 2-қисм.
17.20 "General english".
17.50 "Сеҳрли узук". Т/с.
18.50 "Ўзинг, юртинг, юртдошинг учун".
19.00 "Давр-репортаж".
19.10 "Бахт маликаси". Т/с.
20.00 "Давр".
20.30 "Дугонажонлар". Т/с.
21.15 "Start up club".
21.55 "Телетуҳфа".
22.00 "Давр".
22.30 "Зумрад тош изидан". Б/ф.
00.30 "Start up club".
00.50 "Бахт маликаси". Т/с.
01.30 "Мўъжизавий дунё".
03.10 "Сеҳрли қўллар".
03.30 "Дугонажонлар". Т/с.
04.10 "Айвон".
04.40 "Афсона ва ҳақиқат".
05.30 – 06.00 "Давр".

Тошкент

05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
06.00 "Тошкентнома".
06.20 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
07.00 "Тошкент вақти".
10.00 "Poytaxt-reportaj".
10.20 "Муҳаббат-мангу". Т/с.
11.00 "Пойтахт-спорт".
11.15 "Очиқ мулоқотдан сўнг".
11.45 "Мобильная камера".
12.00 "Poytaxt-интервью".
12.15 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
13.00 "Poytaxt-авто".
13.15 "Касл". Т/с.
14.00 "Тошкент вақти".
17.00 "Пойтахт-спорт".
17.15 "Телетаҳлил".
17.45 "Пойтахт-Hi-tech" (рус.).
18.00 "Турфа тақдирлар".
18.30 "Халқ билан юзма-юз".
18.45 "Телемаркет".
19.00 "Тошкентнома".
19.20 "Касл". Т/с.
20.00 "Пойтахт йўлларида".
20.30 "Пойтахт-авто" (рус.).
20.45 "Poytaxt-reportaj".
21.05 "Муҳаббат-мангу". Т/с. /Премьера/.
21.45 "Телемаркет".
22.00 "Индиана Джонс: Храм и судьбы". Х/ф.
23.45 "Пойтахт-авто" (рус.).
00.05 "Пойтахт йўлларида".
00.35 "Poytaxt-reportaj".
00.45 "Турфа тақдирлар".
01.15 "Тошкентнома".
01.30 "Пойтахт-Hi-tech" (рус.).
01.45 "Мобильная камера" (рус.).
02.00 "Халқ билан юзма-юз".
02.20 "Кўнгил ҳайратлари".
02.50 "Пойтахт-спорт".
03.00 – 05.55 "Тошкент вақти".

Спорт

06.00 Мадҳия.
06.05 Кўрсатувлар тартиби.
06.10 "Қувноқ стартлар".
06.30 "Topspin".
07.00 "Sport-online".
07.35 "Мўъжизалар кемаси".
08.00 Спорт янгиликлари.
08.10 Баскетбол.
09.35 "Шахмат дурдоналари".
10.05 "Шижоат".
10.30 "Техноспорт".
10.45 Дзюдо. Ўзбекистон Кубоги.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport-online".
12.30 Спорт янгиликлари.
12.40 "Матонат".
13.05 Профессионал бокс.
14.00 Новости спорта.
14.05 Интерфутбол.
15.50 "Ифтихоримсан, спорт!"
16.05 "Чемпион".
16.30 Спорт янгиликлари.
16.35 Теннис. ATP – WTA турнири.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Star cup".
18.30 Новости спорта.
18.45 Дзюдо. Ўзбекистон Кубоги.
19.45 "Спорт-маркет".
20.00 Дзюдо. Гаага Гран-при турнири. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
22.10 Спорт янгиликлари.
22.30 "Шедевр".
22.50 Баскетбол.
00.00 Мадҳия.
00.05 "Star cup".
00.40 Футбол. Франция чемпионати. "Амьен" – "Монако". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
02.40 Новости спорта.
02.50 "Шедевр".
03.15 Дзюдо. Ўзбекистон Кубоги.
04.15 "Чемпион".
04.40 – 06.00 Теннис. ATP – WTA турнири.

Маҳалла

06.00 "Ватан мадҳи".
06.05 Миллий сериал. "Қайтар дунё".
06.40 Кексалар даврасида: "Саодатли умр".
07.00 Миллий сериал. "Ҳаёт жилғалари".
07.30 "Step by step".
08.00 "Бир осмон остида".
08.30 "Қадр топган қадриятлар".
09.00 Миллий сериал. "Меҳмонхона".
09.40 "Жамият ва ҳуқуқ".
10.10 "Оталар сўзи – ақлнинг кўзи почтасидан".
10.30 "Аслидек асрайлик".
11.00 "Пушаймон". Теленовелла.
11.40 "Қариси бор уй".
12.00 "Хатарли қармоқ".
12.30 "Меҳнат ҳуқуқи".
13.00 "Осуда ҳаёт".
13.30 "Шукрона".
14.00 "Одоб дурдоналари".
14.30 "Ён қўшним – жон қўшним".
15.00 Миллий сериал. "Она дарё".
15.40 "Қонунчиликдаги янгиликлар".
16.00 "Меҳригиё". Ток-шоу.
17.00 Миллий сериал. "Орзулар фасли".
17.30 "Тарбиянинг олтин қоидаси".
18.00 "Таҳлил ва талқин".
18.30 "Step by step".
19.00 Миллий сериал. "Ҳаёт жилғалари".
19.30 Кексалар даврасида: "Қайнона бисотидан".
20.00 "Пиёда". Халқ манфаатлари йўлида.
20.30 "Бизнес ва тараққиёт".
21.00 "Машварат".
21.30 "Тадбиркор бўлмоқчиман".
22.00 Миллий сериал. "Меҳмонхона".
22.40 "Илҳом мавжлари".
23.00 "Жавондаги жавоҳир".
23.30 "Табаррук анъана".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Қайтар дунё".
00.40 "Маҳалла – менинг тақдиримда".
01.00 "Биламиз-ку, аммо..."
01.30 "Фермер".
02.00 "Ноёб институт".
02.30 "Илм қудрати".
03.00 Миллий сериал. "Она дарё".
03.40 "Кўнгилдаги гаплар". Ток-шоу.
04.30 "Муаммо ва ечим".
05.00 Миллий сериал. "Орзулар фасли".
05.30 – 06.00 "Аждодлар хазинаси".

Болажон

07.00 "Салом, болажон!"
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Ширинтой-кичкинтойлар".
07.40 "Мультипанорама".
08.30 "Ланди-ланди".
08.45 "Фламинго".
09.00 "Мультипанорама".
10.30 "Қувноқ алифбо".
11.00 "Мультипанорама".
11.40 "Катта танаффус".
11.50 "Бола бошидан".
12.00 "Мультипанорама".
12.40 "Қувноқ стартлар".
13.00 "Болалар учун фильм".
14.30 "Табиатга саёҳат".
14.50 "Мультипанорама".
16.10 "Сеҳрли қўллар".
16.20 "Худойберди бобо меҳмонда".
16.30 "Мультипанорама".
18.00 "Китоблар мамлакатида".
18.30 "Мультипанорама".
20.00 "Зумраша".
20.20 "Мультипанорама".
21.40 "Эртакчи болажонлар".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр

06.00 "Юрт мадҳи".
06.05 Қадрдон кино. "Ғаройиб бола".
07.30 Миллий кино. "Баракасини берсин".
08.50 Саргузашт фильмлар экрани. "Сув ости оқими".
10.10 "Келин". Т/с.
10.55 "Сенга ошиқман". Т/с.
11.45 Оилавий экран. "Пиано, соло".
13.10 Жаҳон киноси. "Саванна".
14.55 Болалар экрани. "Узуклар ҳукмдори". Б/ф. 2-қисм.
16.20 Мировое кино. "Робин Гуд".
18.50 " Қидирилмоқда". Т/с.
20.00 "Сенга ошиқман". Т/с.
20.50 "Инсонга муҳаббат". Б/ф. 5-қисм.
21.30 "Келин". Т/с.
22.15 Жаҳон киноси. "Кариб денгизи қароқчилари. Мурдалар эртак айтмайди". Б/ф. 1-қисм.
23.20 Мўъжаз фильмлар. "Оқ булут, оппоқ булут". "Кечикиш".
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Параноя". Х/ф.
01.35 "Музли қасрлар". Б/ф.
03.05 "Тайр сулоласи ҳақида афсона". Б/ф.
04.50 – 06.00 "Буғдойзорлар оралаб". Б/ф.

ШАНБА, 18

Ўзбекистон

06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.30 "Ҳидоят сари".
08.00 "Ахборот".
08.30 "Хорчилар". Б/ф.
10.00 "Муносабат". Ток-шоу.
11.00 Миллий сериал. "Вақт қадри".
11.30 "Устурлоб".
11.50 Анонс.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.30 Анонс.
13.40 "Табиб". Б/ф.
15.40 "Лойиҳадан натижагача".
16.00 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
17.00 "Бизнес старт".
17.30 "Аёл садоқати". Б/ф
19.10 Анонс.
19.15 "Кунларнинг бирида..."
19.30 "Ахборот" /рус./.
20.00 "Бугуннинг мавзуси".
21.00 "Ахборот".
21.30 "Мўъжизалар макони".
22.00 – 00.20 "Бенуқсон олам". Б/ф. Премьера.
00.20 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
01.20 Анонс.
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
03.00 "Сукунат". Б/ф.
04.10 "Мўъжизалар макони".
04.40 "Кунларнинг бирида..."
04.55 – 05.55 "Хотира рашки". Б/ф.

Ёшлар

06.00 "Ватан меҳри".
06.10 "Балойи нафс". Т/с.
07.00 "Давр".
07.30 "Айвон".
08.00 "Аждар ва малика". Б/ф.
09.30 "Соғлом ҳаёт".
09.50 "Телетуҳфа".
10.00 "Давр".
10.10 "Қочоқ келин". Б/ф.
12.00 "Давр-репортаж".
12.10 "Бахт маликаси". Т/с.
13.00 "Давр".
13.10 "Бир гап айтайми?"
13.50 "Ўзинг, юртинг, юртдошинг учун".
14.00 "Айвон".
14.30 "General english".
15.00 "Қалпоқ".
15.20 "Очиқ дарс".
16.00 "Давр".
16.10 "Ишдаги ишқ". Б/ф.
18.40 "Чаққон шоу".
19.10 "Бахт маликаси". Т/с.
20.00 "Давр".
20.30 "Альбом".
21.10 "Ёшлар пресс-клуби".
22.00 "Давр".
22.30 "Томоша бошланади". Б/ф.
00.00 "Ёшлар пресс-клуби".
00.50 "Бахт маликаси". Т/с.
01.30 "Мўъжизавий дунё".
03.10 "Қишлоқ тараққиёти".
03.30 "Давр мавзуси".
03.50 "Зар замин".
04.10 "Айвон".
04.40 "Афсона ва ҳақиқат".
05.30 – 06.00 "Давр".

Тошкент

05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
06.00 "Тошкентнома".
06.20 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
07.00 "Тошкент вақти".
10.00 "Poytaxt-reportaj".
10.20 "Муҳаббат-мангу". Т/с.
11.00 "Poytaxt-Hi-tech".
11.15 "Пойтахт йўлларида".
11.45 "Пойтахт-авто" (рус.).
12.00 "Мобильная камера" (рус.).
12.15 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
13.00 "Халқ билан юзма-юз".
13.15 "Касл". Т/с.
14.00 "Тошкент вақти".
17.00 "Дунёдан дараклар".
17.15 "Энг ширин шоу".
18.00 "Вақт топиб".
18.30 "Пойтахт-вазият".
18.45 "Теле-маркет".
19.00 "Poytaxt-reportaj".
19.20 "Нимкоса".
19.40 "Санамжон".
20.30 "Ўзгача услуб".
20.50 "Кесишмаган нуқта".
21.45 "Теле-маркет".
22.00 "Охотники за сокровищами". Х/ф.
23.45 "Пойтахт-репортаж" (рус.).
00.05 "Poytaxt-авто".
00.20 "Санамжон".
01.05 "Тошкентнома".
01.25 "Кесишмаган нуқта".
02.15 "Poytaxt-reportaj".
02.30 "Пойтахт-вазият".
02.50 "Дунёдан дараклар".
03.00 – 05.55 "Тошкент вақти".

Спорт

06.00 Мадҳия.
06.05 Кўрсатувлар тартиби.
06.10 Баскетбол.
07.25 "Спорт хандаси".
07.35 "Старт".
08.00 Спорт янгиликлари.
08.10 "Қувноқ стартлар".
08.30 "Star cup".
09.00 "Осиё ўйинлари шукуҳи".
09.20 Дзюдо. Гаага Гран-при турнири.
11.35 "Осиё ўйинлари шукуҳи".
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 Дзюдо. Ўзбекистон Кубоги.
13.05 "Машҳурлар".
13.30 "Спорт вақти". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
14.00 Футбол. Франция чемпионати. "Амьен" – "Монако".
15.50 "Шедевр".
16.15 Теннис. ATP – WTA турнири.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Спорт вақти". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
18.30 "Осиё ўйинлари шукуҳи".
18.50 "Поколение XXI".
19.05 "Осиё ўйинлари шукуҳи".
19.30 "Омад Лото". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
19.45 "Спорт-маркет".
20.00 Дзюдо. Гаага Гран-при турнири. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
21.55 Футбол. Италия чемпионати. "Рома" – "Лацио". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
00.00 Мадҳия.
00.05 "Машҳурлар".
00.25 "Техноспорт".
00.40 Футбол. Италия чемпионати. "Наполи" – "Милан". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
02.45 Дзюдо. Гаага Гран-при турнири.
04.30 – 06.00 Теннис. ATP – WTA турнири.

Маҳалла

06.00 "Ватан мадҳи".
06.05 Миллий сериал. "Ҳаёт жилғалари".
06.40 Кексалар даврасида: "Қайнона бисотидан".
07.00 "Хуш кайфият".
08.00 Миллий сериал. "Меҳмонхона".
08.40 "Муваффақиятим сирлари".
09.00 "Телевизион миниатюра".
09.30 "Машварат".
10.00 "Бозор кўрмаган йигит". В/ф.
11.10 "Автотелемактаб".
11.40 "Атлас жилоси".
12.00 "Пиёда". Халқ манфаатлари йўлида.
12.30 "Жавондаги жавоҳир".
13.00 "Хуш кайфият".
14.00 "Супер қайнона". Спектакль.
15.10 "Табаррук анъана".
15.30 "Маҳалла – менинг тақдиримда".
16.00 "Сўнмас юлдузлар".
16.30 Миллий сериал. "Меҳмонхона".
18.30 "Ноёб институт".
19.00 "Томорқам – хазинам".
19.30 "Маҳалламиз чавандозлари".
20.00 "Кўнгилдаги гаплар". Ток-шоу.
21.00 "Хуш кайфият".
22.00 "Аждодлар хазинаси".
22.30 "Под одним небом".
23.00 "Илм қудрати".
23.30 "Қариси бор уй".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 "Бозор кўрмаган йигит". В/ф.
01.20 "Шукрона".
01.50 "Мутолаа завқи".
02.00 "Супер қайнона". Спектакль.
03.10 "Саодатли умр".
03.30 "Оталар сўзи – ақлнинг кўзи почтасидан".
04.00 – 06.00 Миллий сериал. "Меҳмонхона".

Болажон

07.00 "Салом, болажон!"
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Ширинтой-кичкинтойлар".
07.40 "Мультипанорама".
08.30 "Табиатга саёҳат".
09.00 "Мультипанорама".
10.30 "Қувноқ алифбо".
11.00 "Мультипанорама".
13.10 "Катта танаффус".
13.20 "Миттивойлар мусобақаси".
13.30 "Мультипанорама".
14.20 "Қувноқ стартлар".
14.40 "Табиатшунос болажон".
14.50 "Мультипанорама".
16.10 "Сеҳрли қўллар".
16.30 "Мультипанорама".
18.00 "Китоблар мамлакатида".
18.30 "Мультипанорама".
20.00 "Қўшиғим, жон қўшиғим".
20.30 "Мультипанорама".
21.40 "Эртакчи болажонлар".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр

06.00 "Юрт мадҳи".
06.05 Қадрдон кино. "Икки кишилик вокзал". Б/ф. 1-қисм.
07.10 Мумтоз кино. "Менинг тоғам".
09.00 Саргузашт фильмлар экрани. "Виждон амри". Б/ф. 1-қисм.
10.10 "Келин". Т/с.
10.55 "Сенга ошиқман". Т/с.
11.45 Жаҳон киноси. "Весьегон бўриси".
13.35 Жаҳон киноси. "Қил устида".
15.25 Болалар экрани. "Август Раш".
17.00 Мировое кино. "Пеле: Рождение легенды". Х/ф.
18.50 "Қидирилмоқда". Т/с. Премьера.
20.00 "Сенга ошиқман". Т/с.
20.50 "Саҳро жавоҳири". Б/ф.
21.30 "Келин". Т/с.
22.15 Жаҳон киноси. "Кариб денгизи қароқчилари. Мурдалар эртак айтмайди". Б/ф. 2-қисм.
23.20 Мўъжаз фильм. "Сингилларим".
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Эмма". Х/ф.
01.55 "Меҳрибонлар". Б/ф.
03.35 – 06.00 "Тошда ҳам дарахт ўсади". Б/ф.

ЯКШАНБА, 19

Ўзбекистон

06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.30 "Кўнгил ободлиги".
08.00 "Ахборот".
08.30 "Ҳаёт лаззати". Б/ф.
10.10 Анонс.
10.25 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
11.15 "Кунларнинг бирида..."
11.30 Анонс.
11.45 "Қувноқ хотиралар".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.30 "Амадеус". Б/ф.
15.55 "Кўрганларимиз ҳақида".
16.25 Анонс.
16.35 "Ҳаёт тилсими".
16.55 "Ҳунар сирлари".
17.15 "Очкўзлик балоси". Б/ф.
18.40 Анонс
18.50 "Қишлоқ ҳаёти".
19.10 "Менинг боғим".
19.30 "Таҳлилнома" /рус./.
20.10 "Шарҳ+".
21.00 "Таҳлилнома".
21.40 "Заковат".
22.40 – 00.10 "Жейн хоним таассуфда". Б/ф.
00.10 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
01.00 Анонс.
01.10 "Қишлоқ ҳаёти".
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
03.00 "Осмондаги болалар". Б/ф.
04.20 "Қувноқ хотиралар".
04.35 "Менинг боғим".
04.55 – 05.55 "Заковат".

Ёшлар

06.00 "Ватан меҳри".
06.10 "Балойи нафс". Т/с.
07.00 "Давр".
07.30 "Айвон".
08.00 "Аразлама". Б/ф.
09.20 "Бир гап айтайми?"
10.00 "Ватанпарвар".
10.40 "Дубравка". Б/ф.
12.00 "Соғлом ҳаёт".
12.20 "Ўрмон китоби". Б/ф.
14.00 "Айвон".
14.30 "Мэверик". Б/ф.
16.40 "Ўзинг, юртинг, юртдошинг учун".
16.50 "Қаҳқаҳа". Ҳажвия.
17.30 "Шарқ миниатюраси".
17.40 "Бахт калити". Б/ф.
19.20 "Чаққон шоу".
19.50 "Телетуҳфа".
20.00 "Давр ҳафта ичида".
20.30 "Икки эшик ораси".
21.30 "Саҳро шаҳзодаси". Б/ф.
23.30 "Ватанпарвар".
00.10 "Чаққон шоу".
00.40 "Икки эшик ораси".
01.40 "Мўъжизавий дунё".
03.20 "Автопатруль".
03.40 "Ҳамсаҳонлик кечаси".
04.10 "Айвон".
04.40 "Афсона ва ҳақиқат".
05.30 – 06.00 "Давр ҳафта ичида".

Тошкент

05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
06.00 "Тошкентнома".
06.20 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
07.00 "Тошкент вақти".
10.00 "Пойтахт-репортаж" (рус.).
10.20 "Муҳаббат-мангу". Т/с.
13.00 "Пойтахт-вазият".
13.15 "Санамжон".
14.00 "Ўзгача услуб".
14.30 "Мобиль камера".
14.45 "Вақт топиб".
15.10 "Касл". Т/с.
18.30 "Пойтахт на пульсе".
18.45 "Телемаркет".
19.00 "Poytaxt-madaniyat".
19.20 "Рангли телевизор".
20.00 "Китобхон".
20.50 "Энг ширин шоу".
21.45 "Телемаркет".
22.00 "Пойтахт-культура".
22.20 "Необычайные приключения Адель". Х/ф.
00.05 "Пойтахт на пульсе".
00.20 "Рангли телевизор".
01.05 "Тошкентнома".
01.20 "Китобхон".
02.05 "Poytaxt-madaniyat".
02.20 "Энг ширин шоу".
03.00 – 05.55 "Тошкент вақти".

Спорт

06.00 Мадҳия.
06.05 Кўрсатувлар тартиби.
06.10 Футбол. Италия чемпионати. "Наполи" – "Милан".
07.55 "Ифтихоримсан, спорт!"
08.10 "Қувноқ стартлар".
08.35 Дзюдо. Гаага Гран-при турнири.
09.55 Футбол. Осиё Чемпионлар лигаси. Финал. "Ал Ҳилол" – "Урава Редс".
11.40 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
11.45 Футбол. Франция чемпионати. "ПСЖ" – "Нант".
13.30 "Спорт вақти". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
13.55 Футбол. Олий лига. "Насаф" – "Пахтакор". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
15.50 "Спорт вақти". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
16.05 "Автограф судьбы".
16.30 Футбол. Олий лига. "Бунёдкор" – "Бухоро".
18.15 Кўрсатувлар тартиби.
18.20 "Спорт вақти". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
18.55 Футбол. Италия чемпионати. "Самдория" – "Ювентус". Танаффусда "Спорт-маркет". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
20.55 Футбол. Франция чемпионати. "Лион" – "Монпелье". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
23.00 Дзюдо. Гаага Гран-при турнири.
00.35 Мадҳия.
00.40 Футбол. Италия чемпионати. "Интер" – "Аталанта". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
02.45 Дзюдо. Гаага Гран-при турнири.
03.25 "Машҳурлар".
03.50 "Автограф судьбы".
04.15 – 06.00 Футбол. Олий лига. "Насаф" – "Пахтакор".

Маҳалла

06.00 "Ватан мадҳи".
06.05 "Аждодлар хазинаси".
06.30 "Одоб дурдоналари".
07.00 "Хуш кайфият".
08.00 "Бир осмон остида".
08.30 "Маҳалламиз чавандозлари".
09.00 "Оталар сўзи – ақлнинг кўзи".
10.00 "Кўнгилдаги гаплар". Ток-шоу.
10.50 "Мутолаа завқи".
11.00 "Янга". В/ф.
12.10 "Қишлоқ қўйнидаги бахт".
12.30 "Под одним небом".
13.00 "Хуш кайфият".
14.00 "Супер қайнона". Спектакль.
15.10 "Меҳригиё". Ток-шоу.
16.00 "Машварат".
16.30 Миллий сериал. "Меҳмонхона".
18.00 "Телевизион миниатюра".
18.30 "Илҳом мавжлари".
19.00 "Қадр топган қадриятлар".
19.30 "Маҳалламиз маликаси".
20.00 "Интеллектуал ринг". Телемусобақа.
21.00 "Хуш кайфият".
22.00 "Оталар чойхонаси".
22.40 "Муваффақиятим сирлари".
23.00 "Илм қудрати".
23.30 "Томорқам – хазинам".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 "Янга". В/ф.
01.10 "Саодатли умр".
01.30 "Маҳалла – менинг тақдиримда".
02.00 "Супер қайнона". Спектакль.
03.10 "Шукрона".
03.30 "Ён қўшним – жон қўшним".
04.00 "Қариси бор уй".
04.20 "Тадбиркор бўлмоқчиман".
04.40 – 06.00 Миллий сериал. "Меҳмонхона".

Болажон

07.00 "Салом, болажон!"
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Ланди-ланди".
07.30 "Ширинтой-кичкинтойлар".
07.40 "Мультипанорама".
08.30 "Кун тартиби".
08.50 "Мультипанорама".
10.50 "Сеҳрли қўллар".
11.10 "Эртаклар оламида".
12.30 "Табиатга саёҳат".
13.00 "Мультипанорама".
14.10 "Қувноқ стартлар".
14.30 "Мультипанорама".
16.30 "До-ми-соль".
16.45 "Story time".
17.00 "Эртаклар оламида".
20.00 "Зумраша".
20.20 "Мультипанорама".
21.40 "Эртакчи болажонлар".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр

06.00 "Юрт мадҳи".
06.05 Қадрдон кино. "Икки кишилик вокзал". Б/ф. 2-қисм.
07.10 Мумтоз кино. "Ниқобдаги Зорро".
09.15 Саргузашт фильмлар экрани. "Виждон амри". Б/ф. 2-қисм.
10.10 "Келин". Т/с.
10.55 "Сенга ошиқман". Т/с.
11.45 Жаҳон киноси. "Миллат хазинаси".
13.45 Жаҳон киноси. "Ўжар қизлар".
15.10 Болливуд туҳфаси. "Никоҳ тумори". Б/ф. 1-қисм.
16.40 "Никоҳ тумори". Б/ф. 2-қисм.
18.10 Мировое кино. "Прогулка в облаках".
19.45 Миллий кино. "Зарб".
21.15 Жаҳон киноси. "Ёлғиз курашчи". 1-қисм.
22.35 "Ёлғиз курашчи". 2-қисм.
23.50 Мўъжаз фильм. "Вақт".
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Шоколад". Х/ф.
02.00 "Мушкетёр". Б/ф.
03.45 – 06.00 "Зулматдаги рақкоса". Б/ф.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **14 ноябрь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 6-8, кундузи — 13-15 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **14 ноябрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 1135
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4021 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 14.50
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 4 5